

4-07

2 - илова  
Тариф (КҚС ва Махсус устама ҳақ билан)

Сув 1 м<sup>3</sup> 7430 сўм,  
Оқова 1 м<sup>3</sup> 1430 сўм

9900067072/4-П -сонли шартнома

«Истеъмолчи»ларга ичимлик ва оқова суви хизматларини кўрсатиш учун

«24» 01 2022 й.

Сув таъминоти

Ушбу шартнома «Сув таъминоти» МЧЖ кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи А. Курбонаев (Ф.И.О.)

шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи М.Н.Курбанов (Ф.И.О.) асосида иш олиб боровчи директор

иккинчи томондан, қуйидагилар ҳақида тузилди:

**I. Шартнома предмети**

1.1. 2022 йил учун сув етказиш хажми учун тузилган шартномага мувофиқ юридик ташкилотлари (бундан бундан матинда II гуруҳ «Истеъмолчи» лари деб юритилади) учун сув етказиш нарх буйича 60 м<sup>3</sup> ни:

1 м<sup>3</sup> ичимлик сув учун 1380 сўм (+КҚС 15%), + 50 сўм (махсус устама ҳақ) ни;  
1 м<sup>3</sup> оқова сув учун 1530 сўм (+КҚС 15%), + 50 сўм (махсус устама ҳақ) ни ташкил қилмоқда.

Шу тарика шартноманинг умумий қиймати 121600 сўмни ташкил қилди. (сумма ёзув билан) Шу жумладан, бюджет маблағларидан 121600 сўм, бюджетдан ташқари маблағларидан 0 сўм бюджетдан ташқари маблағлардан тўланиши кўзда тутилган.

II гуруҳ истеъмолчилари Қондаларда белгиланган тарзда «Таъминотчи» томонидан тақдим қилинган ҳисобварақ-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Ҳазначилиги орқали сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи» ни сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ва «Истеъмолчи» дан оқова сувларини қабул қилиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. «Истеъмолчи» «Таъминотчи» га ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни ҳар ойнинг 10 санасигача 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш тарикасида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг ичимлик ва оқова сув хизматлари бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган «Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш хизматлари кўрсатиш Қондалари» га (кейинчалик матнда – Қондалар деб юритилади), ҳамда маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланган махсус устама ҳақи 1м<sup>3</sup> ичимлик сув учун 50 сўм, 1м<sup>3</sup> оқова сув хизмати учун 50 сўм билан бирга «Таъминотчи» томонидан тақдим қилинган ичимлик ва оқова сув таъминоти улашиш учун рухсат этувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

**II. Умумий қондалар**

2.1. «Истеъмолчи» «Таъминотчи» ташкилоти руҳсати билан ва у техник имкониятларни мавжуд деб тошган ҳолатларда, ўз тасарруфидоғи ичимлик ва оқова сув тармоқларига, ишпоот ва қурилмаларга субистеъмолчиларнинг улашишига руҳсат бериш ҳуқуқига эга.

2.2. «Истеъмолчи» билан субистеъмолчи ўртасида тўлов масалаларида пайдо бўладиган низолар «Таъминотчи» ташкилоти томонидан қуриб чиқилмайди.

2.3. Агар «Истеъмолчи» ва унга уланган субистеъмолчи турли гуруҳ ва тоифали истеъмолчиларига мансуб бўлса, «Таъминотчи» ташкилоти билан шартномани «Истеъмолчи» ҳам, субистеъмолчи ҳам тузади ва сувини ҳисобга олиш приборини ўрнатилган ҳар иккаласи учун ҳам мажбури ҳисобланади.

2.4. Ичимлик сувдан дов-дарахтларни суг'ориш учун фойдаланишига қуйидаги истисно ҳолатларда йўл қўйилади: ирригация суви бўлмаганда, таъминотчи ташкилоти қуввати мавжуд



бўлганда ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган жалвал бўйича, фақат туғни вақтда (соат 00–00 дан соат 05–00 гача) йўл қўйилади.

2.5. Ичимлик ва оқова сув хизматида истеъмолчи ҳўжалик-истеъмол, маиший эҳтиёж ва ёнғинларни ўчириш ҳамда технология ва ишлаб чиқариш жараёنлари учун фойдаланилади.

2.6. Суви хисобга олиш приборлари ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертифицилаштириш агентлиги томонидан текширилиб пломбланади, ҳамда «Таъминотчи» томонидан пломбланиши лозим. Шунингдек, ичимлик сувини хисобга олиш приборини ечиш, қислашдан ўтказиш ва ўрнатилиш конунчиликлда белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.7. «Истеъмолчи»га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш приборининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) хисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолга текширилади ҳамда «Истеъмолчи» билан келишлади. Хисоблаш прибори учун ўрнатилган минимал истеъмол микдоридан кам микдорда сув истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» ҳолими сув ўлчаш тармоғини кайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, хисоблаш приборининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва хисоблаш қондаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.8. Ичимлик ва оқова сув хизматлари ҳўжалигининг реконструкцияси, хисоблаш приборларини ишга тушириш, хисоблаш приборларини алмаштириш, янги субистеъмолчиларининг улаиши «Истеъмолчи» томонидан фақат «Таъминотчи» тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар «Истеъмолчи»нинг сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади. «Таъминотчи»дан олинган техник шартлар асосида, «Истеъмолчи» буюртмасига асосан, амалдаги метёр, қондалар ва бошқа метёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

2.9. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши «Таъминотчи» томонидан, «Истеъмолчи» ва қурилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тарифлар ва устама ҳақ миклори ўзгарган санасидан қатъи назар, ушбу хизматлар юзасидан «Истеъмолчи» билан тузилган шартнома ўз кучини сақлаб қолади ва «Истеъмолчи» кўрсатилган хизматлар учун, янги тарифлар асосида, улар киритилган санадан эътиборан тўловларни амалга ошириши шарт.

2.11. Қуйидагилар «Таъминотчи» ташкилотлари билан «Истеъмолчи»лар шу жумладан, ҳуеусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасидаги, ичимлик ва оқова сув хизматлари тармоқлари, иншоотлари ҳамда қурилмаларига хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини сақлаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари хисобланади:

а) ичимлик сув истеъмоли учун — тармоққа улаишини узиб қўйувчи кириш қулфи. Кириш қулфи билан ичимлик сувга улаиши, «Истеъмолчи»нинг ички ичимлик суви тизимининг бир қисми хисобланади;

б) оқова хизмати учун — «Истеъмолчи» оқова тизимининг ички қисми хисобланувчи, магистрал оқова тармоғига улаиши нуктасидаги чиқарув қудуги. Агар чиқарувчи оқова қудуги (камераси) магистрал оқова тармоғида жойлашган бўлса, ушбу қудуқ «Таъминотчи» ташкилоти оқова тармоғининг бир қисми хисобланииб, унга туташтирувчи фойдаланиш чизиги эса «Истеъмолчи»нинг маблағлари хисобидан амалга оширилади.

### III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 3.1. «Истеъмолчи»нинг ҳуқуқлари:

3.1.1. Тегшли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун «Таъминотчи» ташкилотидан қонунчиликлда ва шартнома шартларида кўрсатилган миклорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;

3.1.2. «Таъминотчи» ташкилотини шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан қамда 15 кун олдин огоҳлангирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова суви чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлик амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

3.1.3. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани шахсан ёки ўз вакили орқали бепул олиш;

3.1.4. «Таъминотчи» ташкилотидан ичимлик ва оқова сув хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;

3.1.5. Ичимлик ва оқова сув хизматлари кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотидан носозлик ва қамчиликларни бартараф этиш бўйича маълумотларни олиш;

#### 3.2. «Истеъмолчи»нинг мажбуриятлари:

3.2.1. Оқова тармоғида авария бўлган тақрирда ертўла хоналарини сув босишидан сақлайдиган барча ўчирувчи қурилмаларнинг бут сақланганлиги, ишга яроқлилиги ва нормал техник ҳолатда бўлишини таъминлаш;

3.2.2. Истеъмолчига қарашли санитария асбоблари, оқова тармоқлари, иншоот ва қурилмаларда таъминнинг йўқлиги, ревизияларнинг зич ёпилмаслиги, носоз техник ҳолати туфайли истеъмолчининг оқова тармоқларида ёки «Таъминотчи» ташкилотида, ичимлик сув ва оқованинг ташқи тармоқларида авария (тиклиб қолиш, сув босиш) содир бўлиши сабабли ертўла хоналарини сув босиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш;

3.2.3. «Таъминотчи» ташкилоти билан хисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган сувини хисобга олиш прибори, айланма линия зулфини, ёнғин зулфинлари, гидрантлар ва унинг ҳудудида ёки тасарруфида бўлган ҳамда «Таъминотчи» ташкилоти томонидан пломбаланган бошқа ичимлик сув қурилмаларидаги пломбаларнинг бутлиги ва сақлаш;

3.2.4. «Таъминотчи» ташкилотига ичимлик ва оқова сув тармоқлари, иншоотлари ва қурилмаларининг шикастланиши туфайли етказилган зарар учун қонунчиликлда белгиланган тартибда жавобгарлик;

3.2.5. Ичимлик суви таъминотининг ёнғинга қарши тизимидан фойдаланиш тўхтатилганда «Истеъмолчи» 24 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотига пломба узилгани тўғрисида далолатнома тақдим этиши ва зулфинларни пломбалаш учун «Таъминотчи» ташкилоти вакилини чақиритиш;

3.2.6. «Таъминотчи» билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ҳамда ушбу кўрсаткичларни «Таъминотчи»га кечикмаган ҳолда тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш.

#### 3.3. «Таъминотчи»нинг ҳуқуқлари:

3.3.1. «Таъминотчи» ташкилоти, истеъмолчинин 7 кун аввал ёзма равишда огоҳлангирган ҳолда, қуйидаги ҳолатларда сувини узатиш ва оқова сувларни қабул қилишни тўлик ва қисман тўхтатиши мумкин:

а) «Истеъмолчи»га тегшли ва унинг тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилма ва иншоотларнинг техник ҳолати қониқарсиз бўлганда ва «Таъминотчи» ташкилоти вакиллари томонидан аниқланган техник фойдаланишдаги хатоликларни бартараф этиш бўйича «Таъминотчи» ташкилоти талаблари истеъмолчи томонидан бажарилмаганда;

б) «Таъминотчи» ташкилот мансабдор шахси истеъмолчинин сувини хисобга олиш узели, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилмалари ва иншоотларни назорат қилиш ҳамда сувини хисобга олиш прибори кўрсаткичларини қайд этиш, пломбаларни ўрнатилиш мақсадида қўздан кеириш, белгиланган лимитдан кўп сарф қилинганда сув беришни мувофиқлаштириш ва «Таъминотчи» ташкилоти нарядлари бўйича бошқа ишларни бажариш учун келганда истеъмолчи томонидан асоссиз равишда киритилмаганда;

в) «Таъминотчи» ташкилоти томонидан истеъмолчи уланган ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилмаларида режали-огоҳлангиритиш тарзида таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатиш ишлари ўтказилганда, шунингдек, янги истеъмолчиларни улаш ишлари амалга оширилганда;

г) «Истеъмолчи» тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тизимлари ёки тармоқларига субабонентларнинг ўзбошимчилик билан улангани аниқланганда;

д) «Истеъмолчи» томонидан ичимлик ва оқова сув хизматлари учун белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда;

е) «Истеъмолчи»нинг тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тармоқларига, қурилмаларига «Таъминотчи» ташкилотидан улаиши учун белгиланган тартибда рухсатнома олган субабонентларнинг тегшли тартибда улаиши рад этилганда;

ё) «Истеъмолчи» томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда ва у окзилаётган оқова сувлар миклори ва таркиби бўйича шартларга риоя қилмаганда.

3.3.9. «Таъминотчи» ташкилоти қуйидаги ҳолатларда олдиндан хабар қилмасдан сув узатишни тўлик ёки қисман тўхтатишга ҳақли:

а) «Таъминотчи» ташкилотининг электр таъминоти тўхтатилганда;

б) Табний офатлар рўй берганда;

в) Авария ҳолатларига;



5.2 «Истеъмолчи» ичимлик ва окова сув хизмати учун ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда охириги уч ойнинг ўртача сарфи бўйича кейинги ой учун хар ойнинг 10-санасига қалдар 100 фоз олдидан ҳақ тўлашни амалга оширишлари лозим.

5.3 Тўловнинг шартномада белгилангандан кечиктирилган хар бир кун учун истеъмолчи 0,4 фоз пеня тўлайди. Аммо бу кўрсаткич жами кечиктирилган сумманинг 50 фозидан ошмаслиги лозим.

5.4 «Истеъмолчи» кейинги ой учун хар ойнинг 10-санасига қалдар 100 фоз олдидан ҳақ тўловларини амалга оширмасалар, истеъмолчиларни ёзма равишда хабардор қилган пайтдан бошлаб беш иш кунини ўтгандан кейин қарзларни қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда истеъмолчиларни ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тармоқларидан узиб қўйиш йўли билан ундириш чораларни кўради.

Бундай ҳолларда ёнгиндан сакланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ «Истеъмолчи» зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва окова сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолларда қайта улашда «Истеъмолчи»дан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 (ун) баробари миқдорда тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларини ўтказиш орқали ундирилади.

5.5. Окова тизимига келиб тушувчи окова сувининг миқдори, ичимлик сув тармоғидан етказиб бериладиган ичимлик сув миқдорига тенг. Марказлашган иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол килинувчи ичимлик сув миқдорига окова сув тармоқлари ҳисоби учун 2,0 коэффициентни қўлланилади. «Истеъмолчи»нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, окова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг махсуддорлигига (ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш приборларининг кўрсаткичлари) кўлайтирилади. Ички сув таъминоти тизими «Истеъмолчи»нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

5.6. Объект эгаси автоном сув таъминоти (қудук, очик сув олиш хавзаси, ирригация тизими)га ва «Ташминотчи» ташкилоти билан шартнома тузиш учун махсус таъини сув объектларидан махсус сув олиш ёки истеъмол қилиш учун руҳсатномани қўшимча равишда тақдим этиши зарур.

5.7. Сув таъминотининг хусусий автоном манбаи (артезиан скважинаси, қудук, очик сув хавзаси, ирригация тизими ва бошқалар) мавжуд бўлганда окова тизимига окова сувларни оқизиш учун тўловлар ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш қуввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган ҳисоблаш приборининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. «Истеъмолчи»га қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбаининг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

## VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чикиб кетишдан 7 кун аввал мавжуд қарзларини тўлаб, бу ҳақда «Ташминотчи» ташкилоти билан далолатнома имзоланиши шарт. «Истеъмолчи» чикиб кетган суви ҳисобга олиш прибори, пломбаларнинг бутлиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юкланади.

6.2. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чикиб ойнанг календар кунлари ҳисобидан қуйдаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H \times I}$$

бунда:  $M$  – 0,60га тенг бўлган сулфун орқали сув сарфи коэффициентини;

$F$  – сувоқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик қесими майдони (ички диаметр бўйича)  $m^2$ ;

$g$  – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

$H$  – сувининг метрларидаги босими;

$I$  – вақт-24 соат, секундларда.

**Қуйдаги ҳолатларда юқоридаги формула асосида ҳисобланади:**

6.2.1. «Истеъмолчи»да сув ўлчаш прибори ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.2.2. Сув ўлчаш прибори ёки мосламаси «Ташминотчи»да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.2.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчилик билан фойдаланганда;

6.2.4. Сув ўлчаш прибори, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш прибори ўрнатилган (рўйхатдан ўтказилган) кунгача ҳисобланади;

6.2.5. «Ташминотчи»нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган ва бажарилмаган ҳолатларда;

г) Ёнгин чиккан жойларга сув узатишни кўлайтиришга зарурат тутилганда.

## 3.4. «Ташминотчи»нинг мажбуриятлари:

3.4.1. Сув таъминоти ва окова суви чиқариб юбориш юзасидан шартнома шартларини бажариши;

3.4.2. Ичимлик ва окова сув тармоқларининг техник ҳолатини мунтазам равишда назорат қилиб бориши;

3.4.3. Тармоқдаги ичимлик сув сифати мониторингини олиб бориши;

3.4.4. Истеъмолчиларнинг ичимлик ва окова сув тизимларига уланган ичимлик сув ва окова тармоқлари, ишшоотлари ҳамда қурилмаларининг ҳолатини ва улардан фойдаланилишини мунтазам равишда назорат қилиб бориши, улардан самарали фойдаланишни ташкиллаштиришида истеъмолчиларга амалий ёрдам кўрсатиши;

3.4.5. Истеъмолчилар томонидан суви беҳудда сарфининг оқидини олиши, саноат қорхоналари ва уларга тенглаштирилган қорхоналарда сув бериш бўйича белгиланган лимитларга риоя қилинаётганини мунтазам равишда назорат қилиши;

3.4.6. Сув истеъмоли белгиланган мезъёр (лимит)лардан ортиб кетган ҳолатларда «Ташминотчи» ташкилотларига белгиланган тарифларга нисбатан орттирилувчи 10,0 коэффициентини қўллаш;

3.4.7. Окова сув тизимига оксидланган оқоваларнинг сифати мониторингини таъминлаш;

3.4.8. Шартнома шартларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажара олмаган ҳолатларда истеъмолчига пеня ҳисоблаш;

3.4.9. Истеъмолчиларнинг шартнома шартларига риоя этилмагани масаласи бўйича суд органларига мурожаат қилиши;

3.4.10. Ичимлик ва окова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотларни истеъмолчиларга бепул тақдим этиши;

3.4.11. Ичимлик ва окова сув хизматлари тарифларидаги ўзгаришлар ҳақида улар амалда жорий қилинишидан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари ёрдамида истеъмолчиларни хабардор қилиши;

3.4.12. Ичимлик ва окова сув хизматларини кўрсатишда рўй бериши мумкин бўлган режалар тўхтатиш ва узилтишлар ҳақида истеъмолчилар узилишлар бошлангунча 10 иш кунидан кечикмай оғохлантириши.

## IV. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. «Ташминотчи» ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарини, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақиқий зарар ўрнини қоплаши шарт.

4.2. «Истеъмолчи» қуйдагилар учун жавобгардир:

а) Ичимлик суви ҳисобга олиш прибори пломбалари бутлиги, айланмиш чизини жўмраги, гидрант ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги қисмларининг худудлиди ва тасарруфида бўлган пломбаланган ҳисоблаш қурилмаларининг бутун сакланиши учун;

б) Сув тармоқларига ўз бошимча улашиб олиш, совуқ суви ҳисобга олиш қурилмаларининг қасдан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш приборларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолатлари учун;

в) Ўзбошимчилик билан қурилган ишшоотлар сабабли тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

г) Дренаж тизми мавжуд бўлса «Истеъмолчи» худудда жойлашган окова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларининг тушишига йўл қўймайлиқ. Ушбу қондабузарлик аниқланганда «Ташминотчи» ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома «Истеъмолчи»нинг масъулият ва жавобгарлик қорасини белгилаш учун асос бўлиб ҳисмат қилади;

д) Қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолатларда.

4.3. «Ташминотчи» қуйдаги ҳолларда жавобгардир:

а) Амлдаги мезъёр-хуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолатларда;

б) «Истеъмолчи»ларга ичимлик ва окова сув хизматларидан фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларни ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) «Истеъмолчи»нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда қоплаш;

г) Шартнома шартлари ва юклатилган мажбуриятларини бажармаслик.

## V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Ичимлик ва окова сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувининг ҳисоби ҳисоблаш прибори мавжуд бўлганда, ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичларига мувофиқ амалдаги тарифлар бўйича ҚҚС-ни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.



6.2.6. Сув ўлчаш приборининг хисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги кўйилган химоя қопламга (шомбага) рухсатсиз тегишли натижасида, ичимлик сув сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;  
6.3. Ичимлик ва оқова сув тизимларида (жумладан ёнгидан сақланган гидрант ва кувурларига) ўзошимчилик билан уланган олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда «Таъминотчи» томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзошимчилик билан уланган олинган шахсининг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва «Таъминотчи»га етказилган зарарни хисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

- Тўлов мuddати, энг сўнгги тузилган далолатнома санасидан ўзошимчилик билан уланган олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш прибори ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача ёки ўзошимчилик билан уланган кунга қадар хисобга олинади.

- ўзошимчилик билан уланган олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар «Таъминотчи» балансидаги тармоқларга уланган содир этилган бўлса, бу мuddат дeвo аризаси ёзилган мuddатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзошимчилик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу мuddат дeвo мuddатига тенг деб олинади.

6.4. Техник шартлар 2 йил мuddатга берилади. Белгиланган мuddат тугагач буюртмачи (объектни лойihalаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиха мuddатини чўздирishi ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки мuddати ўтган ҳолда, «Таъминотчи» томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.5. «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова сувни тармоқларига улашиш санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда «Таъминотчи» томонидан ҳоким қарори ва қадасстр ҳужжатлари ҳамда шу қабилар асосида ҳужжат билан тақдимланган улашиш санаси бўйича хисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.6. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар «Таъминотчи» томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар «Истеъмолчи» томонидан 3 кунлик мuddат ичиде акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда «Таъминотчи» кеңиктирилган тўловнинг ҳар бир кун учун 0,4 фоиз пеня ёздаи ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.7. Оқова тизимига рухсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари окзйилаётган, ишлаб чиқариш оқова сувларини «Истеъмолчи»лар томонидан ташлаш тартиб ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль куннда қабул қилинган 11 сонли қарори билан тақдимланган «Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қондалари» ҳамда ифлослантйривчи моддаларнинг ўзбекистон Республикаси шахрлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортиқча окзйиланлиги учун «Истеъмолчи»ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортйрйлувчи коэффициент микдор тартибда хисобланади.

6.8. Оқова сувни чиқариб юборишининг ҳажми ва таркиби бўйича мeъёрлар билан белгиланган окзйиланган йўл қўйиладиган чекланган микдордан ортиқча оқова сувлар ва ифлослантйривчи моддаларнинг чиқариш тақисланади.

6.9. Ифлослантйривчи моддаларни нормативдан ортиқча окзйиланган учун компенсация тўловларини хисоблаб ёзиш тартиби ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 октябрдаги «Табиятни муҳофазе қилишни таъминлашнинг иктисодий механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 820-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

6.10. Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қондалари ҳамда ифлослантйривчи моддаларнинг ўзбекистон Республикаси шахрлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортиқча окзйиланлиги учун компенсация тўловларини хисоблаш тартиби асосида амалга оширилади, дебитор қарздорлик тўланмаган тақдирда «Истеъмолчи» оқова тармоқларидан узиб қўйилади.

6.11. Хисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри хисобига олинганлиги ва шу қаби ҳолатлар) тўғрисида «Истеъмолчи» ёзилдиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун мuddатда «Таъминотчи»га тақдим этилиши керак. Эътирознома «Истеъмолчи»ни тўлов талабномаси ва ҳужжатида қўрсатилган суммани тўлик ва белгиланган мuddатда тўлашдан озд қилмайди.

## VII. Низоларни хал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиккан низолар, келишув йўли билан хал қилинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мувофиқ юридик «Истеъмолчи» давлат рўйхатидан ўтган суд органларида қўриб чиккилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиккан тақдирда қонунчиликда белгиланган тартибда хал қилинади.

## VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жапа ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озд этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш мuddати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек, ушбу ҳолатлар юзга келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичиде бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган мuddатларни қўрсатган ҳолда ёзма равишда отхлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп мuddат тўскинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

## IX. Шартноманинг амал қилиш мuddати

9.1 Ушбу шартнома уч нусxada тузилган бўлиб, икки нусхаси таъминотчида бир нусхаси истеъмолчида сақланади.

9.2 Шартнома газначилик бўлимларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади.

## X. Тарафларнинг юридик манзили:

### «ТАЪМИНОТЧИ»

«ANDIJON SUV TA'MINOTI» M.CH.J.  
ANDIJON SHAHAR BO'LIMI  
Andijon shahar, S.-Obidov ko'chasi, 11-uy  
X/R: 263800800285369301  
ATIB "IPOTEKA BANK" ANDIJON VIL FIL  
MFO: 00059 STIR: 200230760

### «ИСТЕЪМОЛЧИ»

ANDIJON SHAHAR TIBBIYOT  
BIRLASHMASI  
ANDIJON SHAHAR YU. YILDIROV KUCHA 1-UY  
Bank: Qazqobul Postbank  
Bank kodi: 2002370 STIR: 91514  
XXIYUZ RESP. MOLIYA VAZIRLIGI QAZWASHLISI  
Shaxsiy raqam: 02000300100001010  
Shaxsiy X-R: QAZWASHLISI BANK TOSHKENT SHAHAR  
BANKSINI BO'XSIZ BARMASI XKKM MFO: 00012  
STIR: 20112819

Bank kodi: \_\_\_\_\_ STIR: \_\_\_\_\_

Раҳбар: \_\_\_\_\_  
М.У. \_\_\_\_\_

Юридик ҳудуд:  
\_\_\_\_\_ (Ф.И.О. имзо)

202 й.

Раҳбар: \_\_\_\_\_  
М.У. \_\_\_\_\_  
Имзо: \_\_\_\_\_  
Ф.И.О. \_\_\_\_\_  
202 й.

Юрисконсулт:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Ҷуқорлик кодекси ва «Хўжалик юрйтувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ тузилган

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 202\_ й.



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA XUJJATLARNING QONUN VA QONUNOSTI ME'YORLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RSIDA HUQUQIY XULOSA**

**1. Loyiha**ning turi:  
Shartnoma

**2. Loyiha**ning mazmuni:

To'g'ridan-to'g'ri shartnoma Andijon shahar Tibbiyot birlashmasi bilan yagona yetkazib beruvchi restrida mavjud bo'lgan "Andijon suv ta'minoti" MChJ Andijon shahar bo'limi o'rtasidagi O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021-yildagi 684-sonli "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunning 71-73-moddalariga asosan 171 600 (bir yuz yetmish bir ming olti yuz) so'mlik suv ta'minot va oqava suvni chiqarish yuzasidan tuzilayotgan shartnoma loyihasi.

**Asos:** O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021-yildagi 684-sonli "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunning 71-73-moddalari.

**3. Loyiha** ishlab chiqaruvchi tashkilot:

Andijon shahar Tibbiyot birlashmasi 26.01.2022 yil

**Shartnoma loyihasini o'rganish yuzasidan,**

**X U L O S A**

Shartnoma loyihasi amaldagi O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik Kodeksi va O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq. Shartnoma yuzasidan kelib chiqadigan oqibatlariga bosh yuristkonsult javobgar emas.

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi**  
bosh yuristkonsulti:

F.Mamajonov  
27.01.2022 yil



**Юридик шахслар учун сув таъминоти шартномасига 1-ИЛОВА**

Етказиб берилadigan сув сарфи

Тариф гуруҳи 117  
Фаолият тури Созилмачи Соьмлачи

Йил, жами	Сув сарфи м3	Оқава сарфи м3
Январь	60	60
Февраль	20	20
Март	20	20
Апрель	20	20
Май		
Июнь		
Июль		
Август		
Сентябрь		
Октябрь		
Ноябрь		
Декабрь		

**Юридик шахслар учун сув таъминоти шартномасига 2-ИЛОВА**

Сув ҳисоблагичлари ўрнатилган жойлари ва тавсифлари

Истеъмолчининг (субистеъмолчининг) ҳисоблагичлари ўрнатилган жойлар, тури ва босим синфи (м) кўрсатилган ҳолда	Ҳисоблагич тури	Ҳисоблагич рақами (завод №)	Ҳисоблагич тармоқ муҳри номери	Қувур ҳажми	Шартнома тузиш санасига ҳисоблагич кўрсаткичи

ИМЗОЛАР:



4-00